

Элёр АЛИМКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмита масъул ходими

ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТЛАРИДАГИ РАМЗЛАР

Диний-фалсафий таълимот сифатида вужудга келган буддавийлик бугунги кунда эътиқод қилувчилар сонига кўра, христианлик, ислом динидан кейинги ўринда турадиган жаҳон динларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда мавжуд динларнинг барчасида ўзига хос белги ва рамзлар мавжуд.

Буддавийлик динининг рамзи “Дхармачакра” бўлиб, у “қонун ғилдираги” деб ҳам номланади. Ғилдиракнинг маркази бўлган гупчак (ғилдиракнинг марказидаги кегайлар қадалган ва ўқ ўрнатиладиган тешиги бўлган ўрта қисми) онг нуқтаси таратаётган қалб нури, руҳий ёруғлик ва ақл ёғдусини ифодалайди. Ғилдирак маркази буддавийлик таълимотининг асосий моҳияти бўлган саккизта улуғ қоидани ифодаловчи саккизта кегай (ғилдиракнинг тўғи билан гупчагини қўшиб, тутиб турувчи таёқсимон қисмлардан бири)ни ўз ичига олади. Булар: тўғри дунёқараш, тўғри мақсад, тўғри сўз, тўғри саъй-ҳаракат, тўғри турмуш тарзи, тўғри интилиш, тўғри фикрлаш, тўғри мулоҳазадир¹.

Дхармачакранинг илдизи қадим ҳинд анъаналарига бориб тақалади. Ҳиндларда у ҳаёт ғилдирагини англатган. Шунингдек, у руҳнинг бу дунёда айланиб юриши қонуни сансара (Ҳинд динлари таълимотида руҳнинг кўчиб юриш ҳолати)ни ҳам ифодалаган.



Мантра товушлардан иборат ўзига хос мистик формуладир. “Мантра” сўзи санскрит тилида “ҳимоя (трая)” ва “ақл (манас)” маъноларини англатади. Мантра товушларини тананинг ўзига хос ҳолатлари (асана), ритуал имо-ишоралар (мудра) ва махсус ифодалар билан ҳамоҳанг ҳолда такрорлаш билан Будданинг табиати амалиётчи ақлининг нурланган моҳиятини уйғотиш имкониятини беради². Қадимдан Ҳиндистоннинг турли диний анъаналарида мантралар ишлатиб келинган.



Нилуфар гули буддавийлик дини анъанасига кўра, мутлақ софлик тимсоли ҳисобланади. Нилуфар одатда тоза сувда ўсади. Шу босидан у яратиш, бадий қудрат, узоқ умр кўриш сирлари ва дунёдан воз кечишнинг ҳам рамзидир. Гулнинг устида ўтирган ёки турган Будда сурати мазкур гулнинг қайта туғилишдан холи эканини англатади. Гулга жаҳл, хоҳиш-истак, кибр, шаҳват ва рашк туйғулари бегонадир. Нилуфарни илоҳий гул сифатида эъзозлаб, унга маъбудлар ва бодхисатвалар ўз муборак қадамларини босадилар. Мазкур ўсимликнинг уруғидан дуо ўқиш ва ибодат вақтида ишлати-



¹ Агзамходжаев С.С., Раҳимжонов Д.О., Муҳамедов Н.А., Нажмиддинов Ж.Х. Дунё динлари тарихи. –Т.: Тошкент, 2011. –Б. 118..

² Буддийские мантры и мантрический звук. <http://buddharyana.ru/>

ладиган тасбеҳлар тайёрланади³. Шунингдек, нилуфар тантрадаги аёллик тимсолларидан бири ҳамдир. Оқ нилуфар (пундарика) Авалокитешвара, Манджушри ва Тара бодхисатваларининг сифати ҳисобланади. Нилуфар гули камёб ва тез унут бўладиган нарсаларнинг ҳам рамзидир. Пушти нилуфар (камала) Тибет буддавийлигида кўёш, ҳис-туйғу ҳамда эҳтирос тимсоли саналади. Мовий нилуфар (утпала) ёки “тунги нилуфар” эса кўплаб маъбудлар белгисидир.



Мандала – Будданинг соф ўлчови ёки унинг нурдан тўқилган қароргоҳи. У қаср ёки эшиклари тўрт томонга қаратилган ибодатхона шаклида бўлади. Барча рамзлар, сифатлар ва маъбудлар қатъий анъаналар асосида чизилади. Мандала қасрининг марказида ўзига хос уруғ тасвирланади.


Мандалалар симметрик диаграмма кўринишида ўзгача услубда бўлади. Бу эса маъбудларнинг қасрлари учун лойиҳа бўлиб хизмат қилади⁴. Турли маъбудлар учун мандалаларнинг тасвирлари қатъий тартибда қонунлаштирилган. Баъзан бутун коинот ҳам мандала деб аталади. Шунингдек, меҳробда устма-уст қўйилган ва Буддага бериладиган оламнинг барча бойликларидан иборат ҳадяни тимсоллаштирадиган гуруч билан тўла думалоқ стол ҳам мандала деб номланади.

Поғонасимон бино нурланган Будда ақлининг тимсолини англатадиган иншоот. Ушбу иншоот буддавийлик динидаги энг муқаддас бинолардан бири сифатида зиёрат қилинади. Гўёки, мазкур бинонинг қисмлари коинотни ташкил этадиган бешта унсур: ер, олов, шамол, сув, маконни англатади. Юқорига чиқиб борган зинасимон поғоналар нурланишга олиб келадиган медитациянинг босқичларини ифода-



лайди. Буддавийликда бино асоси: Будданинг тахтини, унинг юқорига чиқиб кетган зиналари эса, қовуштирилган оёқларини, мақбараси танасини, гумбазли минорадан эса барча нарсаларни кўрувчи кўзларини, минора учи бўртиқ қулоқларини ифодалайди.

Поғонасимон бинолар Будданинг ўлими-дан сўнг у билан алоқадор бўлган жойларда Будда ва бошқа зоҳидларнинг хокларини кўмадиган мақбаралар сифатида қурила бошланган. Анъанага кўра, унга буюк лама ва авлиёлар дафн этилган. Будда таълимотига кўра, бино кўриқловчи (яъни ҳамма нарсани кўриқчиси) вазифасини ҳам бажариши мумкин. Бино мазкур жойдаги космик қувватларнинг бир-бири билан кесишишининг белгиси бўлиб хизмат қилади⁵. Ҳиндистон, Тибет, Непал ва шу каби аҳолиси кўпроқ буддавийлик динида бўлган мамлакатларда юқорида зикр этилган бинога ўхшаш анъанавий поғонасимон бинолар мавжуд. Тибетда бундай биноларнинг қонунлаштириб қўйилган саккизта кўриниши бор. Непалда кичик поғонасимон бинолар “Чайтъя” деб номланса, Катманду водийсида жойлашган йирик поғонасимон бинолар “Сваямбху” ва “Боднатх” деб номланади.



Свастика аксарият Шарқ анъаналарида учрайдиган энг қадимий ижобий тимсоллардан бири. Афсуски, ундан миллатчиларнинг тамғаси сифатида фойдаланишган ва кўпчилик уни улар билан алоқадор деб билади. Лекин ҳинд диний арбобларининг фикрига кўра, бу мутлақо нотўғри тушунча эканини қайд этиш лозим. “Свастика” санскрит тилидан таржима қилинганда “бошқалар учун яхшилик қилиш” деган маънони билдиради. Свастика Будданинг оёғида ҳам тасвирланган. Буддавийлик эътиқодига кўра, у нурланиш ва абадийлик белгиси, Будданинг эзотерик таълимоти тимсоли ҳисобланади⁶. Свастиканинг тўрт чети тўртта олий сифат: холислик, раҳмдиллик, муҳаббат ва шодликни англатади. Мазкур рамз иккала томонга ҳам айлантеририлиши мумкин. Буддавийлик ва ҳиндуийлик динларида у одатда соат

³ Гибсон К. Символы, знаки, эмблемы, мифы в материальной и духовной культуре. –М.: Эксмо, 2007. –С. 27.

⁴ Мандала – модель Вселенной. <http://buddha.by/mandala-model-vselennoi>

⁵ Сычева С.Г. Проблема символа в философии. –Томского университета, 2000. – С. 142.

⁶ Свастика – символ солнца, низвергнутый во мрак. <http://www.doodoo.ru/printpage-993.html>

миллари бўйлаб айлантирилса, қадимги Тибет дини бон, Эрондаги диний оқим бўлган маздакийликда эса, у соат милларига қарама-қарши айлантирилади.



Лунгта – дуоли байроқ ёки беш рангли англатувчи муқаддас рамз. Ундаги оқ, сариқ, қизил, яшил ва кўк байроқлар беш асосий унсурнинг белгиси ҳисобланади. Одатда, бундай байроқларга муқаддас матнлар, худодларнинг тасвирлари ва мистик диаграммалар чизилган бўлади. Лунгта махсус жойларга масалан, тоғ чўққилари, довонлар, уйларнинг томи ёки дарахтлар орасига илинади. Бунинг сабаби, диндорларнинг эътиқодига кўра, байроқларни ҳилпиратадиган шамол у ерда ёзилган мантраларни ҳаракатга келтиради. Бу эса, атроф-муҳитни уйғунлаштириб, ижобий ҳаёт муҳитини юзага келтиради⁷.



Дуо дўмбираси ўз дастасида айланади, унинг ичида нафис қоғозларга ёзилган муқаддас мантра ёзувлари мавжуд. Бундай дўмбиралар Тибетда жуда машҳур бўлиб, шакли ва ўлчамига кўра бир-биридан фарқ қилади. Одатда, барча дўмбираларнинг ичида “Омм Мани Падме Хум” мантраси ёзилган бўлади. Ушбу мантра Тибет буддавийлигининг энг асосий мантраси ҳисобланиб, олти оламнинг барча мавжудотларига раҳм-шафқат улашади. Соат миллари бўйлаб айланаётган дўмбира мантраларнинг ичидаги қувватни ҳаракатга келтиради, бу эса дўмбирани айлантирган кишига фойда келтиради ҳамда ўша киши атроф-муҳитни ҳам уйғунлаштиришга ёрдам беради, деган таълимот мазкур диннинг муқаддас манбаларида қайд этилган⁸.

⁷ Похлебкин В.В. Словарь международной символики и эмблематики. Международные отношения, 2001. – С. 138.

⁸ ترجمة المحامي عبد الهادي عباس. الرموز في الفن – الأديان – الحياة. تأليف فيليب سيرنج. سورية – دمشق – شارع بور سعيد. دار دمشق، 1992. – ص. 274.

Гау – ичида маъбуд-ҳимоячи ёки муқаддас нарсалар мавжуд бўлган медальон. Буддавийлик эътиқодига кўра, инсон қаерга бормасин ўзи билан гау олиб юриши лозим. Гаудан диний ритуалларда ҳам фойдаланилади⁹. Маълумотларга кўра, гаунинг ичидаги маъбудлар инсоннинг мақсадига етишишига ёрдам бериб, уни ҳимоя қилади. Одатда гау заргарлик воситалари, турли тош ва зийнатлар билан безатилган ҳолда металлдан тайёрланади.



Қор шери ҳайвонлар шоҳи шер қадимги Ҳинд афсонаси ва ҳозирги Ҳиндистоннинг янги маданиятида ҳам ҳукмронлик ва ҳимоя тимсоли ҳисобланади. Буддавийлик динида эса, шер Будданинг асосий рамзларидан бўлиб, унинг исмларидан бири Шакьясимха, яъни “Шакья уруғининг қироли” номидан келиб чиққан. Баъзида Будданинг нутқи “шер наъраси” деб номланиши “қор шер”ига ишора бўлса, ажаб эмас. Мазкур дин таълимотининг бошқа барча таълимотлардан устун эканини ифодалайди. Будда кўпинча тахтда ўтирган қиёфада тасвирланади. Унинг елкасида саккизта шер жойлаштирилган бўлиб, ушбу шерлар саккизта буюк ва жасур Бодхисатваларни англатади¹⁰.



Феруза ёлли оппоқ қор шери Тибетнинг миллий тимсолига айланган. Унинг суратини Тибет давлат байроғида, муҳр, банкнотларда, Далай Ламанинг белгилари ва шахсий тамғаларида учратиш мумкин. Кўпинча тангаларнинг устида қор қоплаган тоғ чўққисида ўйноқлаётган бир жуфт қор шери акс эттирилади. Қор шерини йогин билан биргаликда тасвирлаш урф бўлган. Бунинг эзотерик маъноси шундан иборатки, йогиннинг диний намоён бўлиши шер каби бўлади: шер ёли махфий таълимот билан бурканганликни, унинг атрофга назар ташлаши дунёдан воз кечишни, шернинг бир чўққидан иккинчисига сакрай олиш қобилияти

⁹ Ўша манба, – С.334.

¹⁰ Cassirer E. Philosophic der Symbolischen Formen, vol. 3. –Berlin.: Rite and Art, 1929. – P. 87.

йогиннинг мутлақ озодликни қўлга киритганини англатади.

Тангка минерал бўёк билан чизилган Тибет иконасидир. Унга Будда ёки турли Бодхисатваларнинг тасвири тушурилган. Илк тангкалар Тибетда VIII асрда пайдо бўлган. Уларни монахлар ёки махсус унвонга эга бўлган инсонларгина чиза олган. Рассомлар тангкаларнинг қийматини ошириш мақсадида, бўёқдан ташқари соф олтин ва кумушдан ҳам фойдаланган. Улардаги тасвирлар қатъий пропорция қонунларига амал қилиб чизилган. Махсус қоидаларга қатъий амал қилиб ясалган тангкалар фақат буюртма асосида тайёрланиб, жуда қиммат баҳода сотилган¹¹.



Зи тошларини фақатгина Тибетда учратиш мумкин. Шу боисдан, унинг номи таржима қилинмайдиган. У цилиндрсимон қора ақиқ бўлакларидан ясалган бўлиб, оқ бўёқда симметрик чизиклар ва “кўз” кўринишидаги расмлар чизилган. Тибет халқи наздида, бу тошлар турли зарарлар, касалликлар, омадсизлик ва сайёраларнинг таъсиридан ҳимоя қиладиган энг универсал ҳамда қудратли тумор ҳисобланади. Зи тошлари эркак ва аёлларнинг ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутатади. Зикр этилган тошлардаги тасвирларнинг келиб чиқиши ҳақида бир неча афсоналар мавжуд. Гўёки, уларни тошга айланган асалари ғумбаги ёки худоларнинг хазиначилари билан боғлашади.



Расмларнинг келиб чиқиши узоқ ўтмишда яшаган усталар (Сиддхам) билан алоқадор, деган қарашлар ҳам йўқ эмас. Унга кўра, усталар бу тошларни ўзларининг сеҳр кучлари билан тайёрлаган¹². Бундай расмлар чизиш учун тошларга ишлов бериш техникаси сирлари аллақачон йўқ бўлиб кетган. Ҳақиқий қадимий зи тошлари жуда кам учрайди ва қимматбаҳо ту-


ради. Масалан, икки кўзли тош 2000 АҚШ доллари турса, тўққиз кўзлиги эса 200-250 минг АҚШ доллари атрофида баҳоланади. Ҳозирда бундай тошларнинг кўплаб замонавий нусхалари тайёрланади. Уларни арзон пластикдан ясалган қалбакиларидан адаштириб юбормаслик керак.

Чиганоқ санскрит тилида “шанкха” деб номланиб, буддавийлик таълимотига кўра, агар чиганоқ маҳорат билан пуфланса, ёвуз руҳлар қочиб кетади. Чиганоқ аюрведик дори-лар тайёрлаш учун ҳам ишлатилиши мумкин. Ундан олинган муайян миқдордаги упа гепатит ва ўт пуфаги касалликларини даволашда ишлатилади. Ҳиндуийлик дини тарафдорлари буддавийлик намояндалари каби таркидунё (зоҳидлик)ни тугатганларидан сўнг дарҳол чиганоқдан сув ичадилар. Аксарият дуолар ўқилганида уларга чиганоқда чалинган мусиқа жўр бўлади.



Буддавийлик этиқодига кўра, шанкха муқаддас сув ерга тушганида шу шаклга эга бўлиб қолган. У қимматбаҳо илоҳий буюм бўлиб, уни худо Вишну доимо қўлида кўтариб юради, деган қарашлар ҳам мавжуд¹³. Чиганоқдан аёллар учун безак буюмлари масалан, билагозуқ, маржон, ёвуз руҳларни ҳайдайдиган белбоқ тайёрлаш ҳозирги кунгача урф бўлиб келмоқда.

Ўтлардан тайёрланган қоғоз Тибет тоғларида 2000-3500 метр баландликда ўсатиган каннабис номли ўсимликдан тайёрланади. Мазкур қоғозни “локта” деб ҳам атайдилар. Узоқ вақт сақланиши ва ўзига хос кўриниши билан ажралиб туради. Сифатлиги учун қадимий ҳиндуийлик ва Тибет қўлёзмалари, қироллик амр-фармонлари, муҳим давлат ҳужжатлари шундай қоғозларга битилган. Бу қоғозларни тайёрлаш жараёни ўсимликни қайнатиш, махсус ёғоч болға билан уриш ва қуёш нурида қу-



¹¹ Сычева С.Г. Проблема символа в философии. –Томского университета, 2000. – С. 105.

¹² Бусины Дзи (камни Зи). [http://amrita-buddha.ru/catalog/tibetskie_busing_dzi/busing_dzi_\(kamni_zi\)/](http://amrita-buddha.ru/catalog/tibetskie_busing_dzi/busing_dzi_(kamni_zi)/)

¹³ Салмина Н.Г. Знаки и символов в обучении. –М.: Издательства МГУ. 1998. – С. 188.

ритишдан иборат бўлиб, бутун жараён қўлда бажарилади¹⁴.



Хайр-садақа идиши (Патра) ёғоч ёки инсон бош суягидан тайёрланади. Бош чаноғидан тайёрланган бундай косани кўтариб олган инсон шомонлик ёки сеҳргарлик қудратига эга бўлган. Бироқ амалиётда бундай косалардан зоҳидлар қурбонлик йиғиш мақсадида фойдаланади.



Ванаспати бу сароб ниқоби, илоҳий моҳиятнинг намоён бўлишидир. У ҳиндуийлик ва буддавийлик динида ҳам бор. Буддавийлик дини руҳонийлари қонун-қоида ҳамда анъанага кўра, Ҳимолай тоғида ўтказилар диган “Мани Римду”, “Бакпа” маросимида ундан фойдаланади. Улар наздида ванапаста ниқоби шайтон, ёвуз кучларни қўрқитишга ва уларни енгишга ёрдам берадиган махсус диний буюм¹⁵.



Икки буғули ғилдирак дхарма ғилдирагининг Будда амалга оширган илк ваъзнинг (биринчи насиҳат) тимсоли ҳисобланади ва буддавийлик динининг асосий белгиларидан бири саналади. Ривоятларга кўра, Будда биринчи насиҳатини айтаётган чоғида, у билан бирга беш устоздан ташқари яна икки буғу ҳам ўша ерда ҳозир бўлган¹⁶. Одатда, ушбу барельеф ибодатхона дарвозаларига ёки ибодатхона айвони томининг марказига ўрнатилади.



Китоб (Пустака) пустака диний китоб бўлиб, Тибет тилида “Потти” деб ҳам номланади. У Будданинг илоҳий билимлари ва таълимоти сақланар диган муқаддас манба. Диндорлар уни жуда эъзозлаб, ардоқлашади. Буддавийлик анъанасига кўра, нилуфар гулларининг баргларига мазкур дин таълимотлари ёзилиб, шундай китоб ҳолига келтирилади¹⁷.

¹⁴ Фраер С., Фергюсон Д. Геральдика. Гербы – символы – фигуры. –М.: АСТ. 2009. – С. 179.

¹⁵ Символы буддизма. <http://www.kunpendelek.ru/library/buddhism/base/symbols-of-buddhism/2684/>

¹⁶ Cassirer E. Philosophic der Symbolischen Formen, vol. 3. –Berlin.: Rite and Art, 1929. – P. 77.

¹⁷ Дудко С. Улановская А. Символы Буддизма. http://dharma-books.net/books/dharma_art/110021.phtml

Кўзгу Тибет буддавийлиги эътиқодига кўра, оламнинг хаосдан пайдо бўлганини англатади. Мазкур кўзгудан асосан дафн маросимида фойдаланилади. Маросим давомида руҳоний кўзгуни жамоага кўрсатади. Шундан сўнг, у вафот этган одамнинг руҳи коинотнинг бўшлигини тушуниб етиши учун муқаддас матнларни ўқий бошлади. Ўликнинг ҳақиқа дуолар ўқилиб, маросим ниҳоясига етади¹⁸.



Бумпа сув солинган кўза бўлиб, ритауллар чоғида покланиш идиши сифатида ишлатилади. Унинг дастаси йўқ, ўзи эса қимматбаҳо тош ва металл билан безатилган бўлади. Ундаги сув ёки нектар билан ритаул олтидан худо билан учрашиш тимсоли сифатида қўл ювилади. Бумпа буддавийликнинг асосий ритуал предметларидан бўлиб, ибодатхонанинг меҳроб қисмида сақланади¹⁹.



Дипа (жинчироқ) буддавийликда ушбу жинчироқнинг олови инсон ақлининг нурланишини англатади. Маъбудларга ҳадя келтириш каби ритуал маросимларда фойдаланилади. Бундай жинчироқларнинг ичида одатда ёнувчан мой мавжуд бўлади.



Калаша (ваза) – бўғзи баланд, муқаддас сувни сақлаш учун ишлатилар диган махсус идиш. Муқаддас сув элексир ҳисобланиб, ҳиндуийлик эътиқодига кўра, уни ичган одам узоқ умр кўриши таъкидланади. Бироқ буддавийлик таълимотига биноан,



¹⁸ د/ طارق بن سليمان البهلال. شعارات الأديان ورموزها (دراسة تحليلية تطبيقية). م. : مركز النشر والترجمة – جامعة المجمعة، 1433هـ. ص. 87

¹⁹ Тибетский талисман Бумпа. <http://goroduspeha.com/tibetskij-talisman-bumpa-dlya-privlecheniya-deneg/>

бу сув инсон ақлини тозалайди²⁰. У саккизта эзгу тимсоллардан бири ҳисобланади.

Янтра мавҳум шакл мандаласи бўлиб, ўзаро бирлашган чизиқлар диаграммасидан иборат. Медитацияда у диққатни бир ерга жамлаш ва қувватни намоён қилиш учун ишлатилади. Янтра-нинг турли шакллари мавжуд. У ҳар хил материаллар, асосан тоғ хрусталидан зийнат учун тайёрланади.



АУМ ёки Омм ҳиндуийлик динининг муқаддас рамзларидан бири. Унинг мазмун-моҳиятида бу дин илоҳининг универсал номи мужассамланган. Мазкур уч ҳарф ҳиндуийликнинг учта асосий худолари Шива, Вишну, Кришна ва уларнинг фаолиятини билдиради²¹. Ҳиндуийлик таълимотига кўра, АУМ бутун борлиқни яратган садонинг белгиси саналади. Ушбу илоҳий рамз муҳим ритуал аҳамиятга эга ҳисобланиши билан бирга, олий метафизик идрок деб ҳам қабул қилинади ва инсон онгининг турли шаклларида ўз аксини топади. Мазкур диннинг муқаддас манбаларидан бири “Чхандогья Упанишада”да: “Моҳиятнинг моҳияти ер, ернинг моҳияти сув, сувнинг моҳияти ўсимликлар, ўсимликларнинг моҳияти инсон, инсоннинг моҳияти нутқ, нутқнинг моҳияти Ригведа, Ригведанинг моҳияти Самведа, Самведанинг моҳияти эса АУМдир”²², – деб келтирилган.

Ҳиндуийлик динига кўра, АУМ барча нарсаларнинг моҳияти ҳисобланади. Инсон кўзи кўриши учун бу муқаддас товуш санскрит алифбоси бўлмиш “деванагари”да қуйидаги кўринишда “ॐ” акс эттирилган²³. Биз АУМ рамзига мистик (тасаввурӣ) белги сифатида ёндашишга ҳаракат қиламиз. Бу нарсa ҳиндуийлик

ва бошқа Шарқ динларининг ушбу белгига берган маъно-мазмунларни тушунишда осонлик туғдиради.

АУМни муқаддас садо сифатида кенг доирада таҳлил қилиш мумкин. Алифбода АУМ биринчи товуш, маданий контекстга алоқадор бўлмаган нарсa сифатида намоён бўлади. Очӣқ турган оғиз “А” дан то “М” гача талаффуз қилар чоғида ёпила бошлайди. Ушбу ҳарфларнинг орасида эса оғизнинг очӣқ ҳолатидан пайдо бўлган, бироқ лабнинг ёпилиши йўли билан ҳосил бўлган “У” вужудга келади. Шуни ҳам эсла-тиб ўтиш керакки, АУМни ташкил қиладиган учта оғма учта бўғиннинг ўзаро алоқадорлиги интерпретациясида метафорик дешифровкага учрайди: бедорлик (“А” ҳарфи билан тимсоллаштирилган), уйқу ҳолати (“У” ҳарфи билан тимсоллаштирилган) ва чуқур уйқу (“М” ҳарфи билан тимсоллаштирилган) ҳолатларининг чегарасида ётади. Шу тариқа АУМ ўзида бутун алифбони мужассам этади. Зеро, ушбу товуш оғизнинг орқа бўшлиғидан (А) чиқиб, оғиз орқали юриб (У) ниҳоят лабга (М) етиб келади. АУМ товушининг сўнгги қисми (М) сифатида ҳам маълум бўлиб, у талаффуз қилинганида лаблар бир-бирига яқинлашади²⁴. Бу худди ташқи оламга чиқадиغان эшикни қулфлаб қўйишга ўхшайди. Товушнинг тебраниши эса ҳақиқат излаган ҳолда бизнинг ичимизда чуқурликда яшашда давом этади.

Шундай қилиб, АУМ буддавийлик динида ҳам, ҳиндуийлик динида ҳам, масалан, “АУМ Ганешая Намаха” ва “АУМ Мани Падме Хум”даги каби доимо энг асосий мантраларнинг биринчи қисми ҳисобланади. Вақт ўтиши билан қадимий матн АУМ мистик концепциясини ривожлантириб бориб, уни инсон танасининг бурун қисмида ётадиган ўқ билан қиёслади. Ушбу қисм жаҳолат зулматида ботиб қолганидан сўнг ўз йўлини, айнан “Ҳақиқӣй Билим”нинг ёритилган маконини топади. Ўргимчак ўз инининг толалари орқали қийинчилик билан тирмашиб юргани ва озодлик олгани каби йогин (йога билан шуғулланувчи шахс) ҳам эркинликка АУМ бўғини орқали кўтарилади.

Хитой халқининг миллий дини бўлган даочиликда “Инъ ва Янь” рамзи кенг қўлланилади. Инъ-ян (тайцзи ёки тайци) доираси даосизм диний ва фалсафӣй тафаккурига асос солган,

²⁰ Андросов В.П. Энциклопедический словарь Индо-тибетский буддизм. Энциклопедический словарь. <http://vbuddisme.ru/wiki>

²¹ www.spiritual.ru/relig/induism.html

²² <http://indonet.ru/Statya/Simvol-i-znachenie-%E0%A5%90-OM-AUM>

²³ Зорин В.И. Ом // Евразийская мудрость от А до Я: философский толковый словарь. – Алматы: Создiк-Словарь, 2002. – С. 408.

²⁴ <http://www.sunhome.ru/religion/15556>



Лао Цзининг мистик таълимотига асосланган рамз ҳисобланади. У конфуцийликда, хусусан “Хань давридаги конфуцийлик” ақидаларида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Дао (йўл)

таълимотига кўра, борлиқдаги барча нарсатишиб чиқилади ва икки бир-бирига қарши кучашувчи кучлар томонидан бошқарилади. Булар салбий ва суш куч инь (қора ранг аёллик ибтидосини англатади) ва ижобий ҳамда фаол куч янь (оқ ранг эркеклик ибтидосининг рамзи) лардир. Инь руҳ, намлик, совуқ, тун, ой, зулмат, ер ва ҳаёт маромини ифодалаб туради ва узук-узук чизиқлар ёрдамида тасвирланади. Янь эса руҳ, ёруғлик, иссиқ, қуруқлик, кун, қуёш, осмон, яратиш, ҳамма нарсада устунликка эга бўлишни англатади ва бутун чизиқлар ёрдамида тасвирланади²⁵. Инь доимо яндан олдин туради ва бу билан барча мавжудотлардан олдин яратилган тунни тимсоллаштириб туради. Инь ва яннинг таъсирини йил вақтларининг ўзгариб туришида, умуман, олам тартибининг барча жиҳатларида кузатиш мумкин. Иккала куч ҳам ўзаро барабар бўлган ҳолатдагина уйғунликка эришиш мумкин. Бу тасаввурни инь-янь доира-си тимсоллаштиради.



Зардуштийлик динида эса муқаддас тимсол сифатида “Фаравахар” рамзи ишлатилади. У танасининг юқори қисмида одам шаклига ўхшаш бўлган қанотли диск шаклида тасвирланган. Ушбу рамзда илоҳийлик ва марҳаматлилик тушунчалари ўз аксини топган. Бошқа маълумотга кўра, мазкур рамз илоҳий нур ва шуҳрат маъносини ҳам англатади. Бу рамз қадимги Миср, Месопотамия ва Шарқ халқлари ҳаётида яхшилик тимсоли бўлиб хизмат қилган²⁶.



VI асрда пайдо бўлган синтоизм Япониянинг миллий дини ҳисобланади. Ушбу дин манбаларида кел-

тирилишича, худолар истиқомат қиладиган синтоизм ибодатхоналарига (зинзя) олиб кирадиган торилар ёки ёғоч дарвозалар XVI асрда қурилган. Торилар одатда учта унсурдан ясаиб, муқаддас йўл – худолар йўлига бевосита тушиб олишни тимсоллаштиради²⁷.



Кханда сифатида танилган сикхизм рамзи қора ранг билан ҳурмат белгиси бўлмиш сариқ учбурчак Нишон Соҳибда тасвирланади. Ушбу рамз кханда сикхларнинг муқаддас уруш ҳақидаги тасаввурини ифодаладиган, чаккарлар, учар пўлат халқалар билан қопланган икки тигли қиличдан иборатдир (худо ва инсон бирлигининг рамзи). Унинг икки ёнида илоҳий ва дунёвий ҳокимиятни англатадиган икки кирпан мавжуд. Ушбу рамз 1699 йилда Анандпурда гуру Гобинд Сингх томонидан сикх аъёнларини тозалаш мақсадида тузилган хальс, яъни сикх жамоаларининг тимсоли ҳамдир²⁸.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, кўҳна цивилизациялардаги диний рамзлар тараққий этган диний тизимлар учун характерли бўлган образлар мажмуи бўлиб, улар воситасида турли эътиборга молик тушунча ва концепциялар ифодаланиши мумкин. Диний рамзлар кўринишида ритуал характерга эга бўлган ва муқаддас матн, илоҳийлик, этика қоидаларини ифодалашга хизмат қиладиган моддий, оғзаки, тасвирий белгилар киришини ҳам юқорида зикр этилган маълумотлар орқали билиб олиш мумкин.

²⁵ www.symbol.biz

²⁶ www.mirslovarei.com

²⁷ Гибсон К. Символы, знаки, эмблемы, мифы в материальной и духовной культуре. –М.: Эксмо, 2007. –С.25.

²⁸ Ўша манба, –С.28.